

А.М.Умурзаков, Фарғона Политехника институти "Ўзбекистон тарихи ва ижтимоий фанлар" кафедраси ўқитувчиси.

А.М.Умурзаков, преподаватель, кафедры «История Узбекистана и общественных наук» Ферганского политехнического института, г. Фергана, Республика Узбекистан.

A.M.Umurzakov, Lecturer, Department of "History of Uzbekistan and Social Sciences" of Fergana Polytechnic Institute, Fergana, Republic of Uzbekistan.

ИЛМИЙ БИЛИШДА МЕТОДЛАРНИНГ ЎЗARO АЛОҚАДОРЛИГИ ВЗАИМОСВЯЗЬ МЕТОДОВ В НАУЧНОМ ПОЗНАНИИ

INTERRELATION OF METHODS IN SCIENTIFIC KNOWLEDGE

Аннотация: Ушбу мақолада илмий билишда умумилмий методлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва амалиётга тадбиқ этиш масалалари ҳу сусида маълумотлар тақдим этилган.

Аннотация: В статье представлена информация о соотношении общенаучных методов в научном познании и их применении на практике.

Annotation: This article provides information on the relationship between general scientific methods in scientific knowledge and their application in practice.

Калит сўзлар: илмий билиш, метод, методика, методология, системали функционал метод, системали структурали метод

Ключевые слова: научное знание, метод, методология, методология, системно-функциональный метод, системно-структурный метод.

Keywords: scientific knowledge, method, methodology, methodology, systemic functional method, systemic structural method.

Системали структурали ва системали функционал метод илмий билишда оламнинг бир бутун манзарасини бориш учун зарур бўлган янги парадигмани шакллантиришга асосланган бўлиб, фан тараққиётида муҳим методологик аҳамиятга эга. Системали структурали ва системали

функционал метод ривож замонавий фанда шу вақтгача эришилган билимларни системалаштириш, уларни бир бири билан боғлаш, муайян шаклга солиш, амалиётга тадбиқ этиш, назорат қилиш кабилар билан белгиланади. Булар эса илмий билишнинг муҳим талабларидан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам системали структурали ва системали функционал методнинг илмий аппаратини билиш учун илмий билиш ҳақида муайян тасаввурга эга бўлиш зарур.

Кўпгина адабиётларда илмий билишнинг ҳаракат йўли фақатгина тўғри чизикдан иборат эмас, балки кесимларида янглишиш ҳоллари юз бериши мумкин бўлган эгри чизикдан иборат дея таъкидланади. Яъни илмий билиш жараёнида тўпланган билимлар нисбий характерга эга эмас. Шу маънода Л.Н. Толстой «Бу энг ёмон фикр: агар мен ҳамма нарсани била олмасам, мен ҳеч иш қилмайман», - деб ёзади. И.Кант илмий билиш борасидаги скептицизмга ашаддий қарши бўлган. Шу билан бирга у илмий билишнинг куч-қудрати арзимаслиги тўғрисидаги догматик уйдирмага ҳам, фаннинг имкониятларини сциентик баҳолашга ҳам танқидий кўз билан қараган. Шу нуқтаи-назардан келиб чиққан ҳолда фан ривожланиши учун у аввал унинг ўзи ғоявий оламдан четлашишига барҳам бериши, материя, моддий муносабатлар онгни белгилаши ҳақидаги фикридан воз кечиш лозим онг ва моддийлик борлиқнинг ажралмас, бир бутунлиги эканини англаб етиш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Х.Б.Саитходжаевнинг фикрича, “Илмий билиш жараёни индивидуал даражасида интуитив ва мантиқийдир, унда зарурият тасодифият билан қўшилиб кетган, тасодиф интуиция механизмини ишга солиш учун устуворлик қилади, эҳтимолий натижа эса кейинги мантиқийлик билан тўлдирилади. Билишнинг амалий ва ижтимоий табиати унинг умумий рационал характерини ва объектив дунё мантиғи билан мос равишдаги қонуний тараққиётини таъминлайди”.

Р.Р.Бурнашев таъкидлашича, “Фан билан шуғулланиш билиш

методлари ва воситаларини эгаллаш билан бир қаторда, илмий билишга хос бўлган қадриятлар ва йўналишларнинг муайян тизимини ўзлаштиришни ҳам назарда тутди”. Мазкур йўналишлар олинаётган билимлар бугун қандай амалий самара бераётганидан қатъий назар, янги ва янги объектларни ўрганишга қаратилган илмий изланишни рағбатлантириши лозим. Акс ҳолда фан ўзининг бош вазифаси – инсоннинг моддий дунёни ўзлаштириш имкониятлари чегараларини кенгайтириб, ўз даври амалиёти моддий тузилмалари доирасидан четга чиқишни амалга ошира олмайди.

Илмий билиш идеалларини махсус ўрганиш асосида Р.Р.Бурнашев “Ҳар қандай олим ҳақиқатни фаннинг олий қадрияти сифатида идрок этиб, ҳақиқатни излашни илмий фаолиятнинг асосий омилларидан бири сифатида қабул қилади. Бу омил илмий билишнинг бир қанча идеаллари ва меъёрларида, чунончи: билимни ташкиллаштиришнинг муайян идеаллари (масалан, назариянинг мантикий изчиллиги ва унинг синовда ўз тасдиғини топганлиги), ҳодисаларни ўрганилаётган объектларнинг муҳим алоқаларини акс эттирувчи қонун ва тамойилидан келиб чиқиб тушунтиришга ҳаракат қилиш ва ҳоказоларда ўз ифодасини топади” - деб ёзади. Илмий билишнинг қадрият ва йўналишлари тадқиқот билан шуғулланиш учун ҳар бир олим ўзлаштириши лозим бўлган билимлар этосининг негизини ташкил этади. Шунинг учун ҳам аксарият буюк олимлар ўзларининг кашфиётлари билангина эмас, балки ўз фаолияти билан одамларнинг жуда кўп авлодлари учун янгилик ҳамда ҳақиқатга хизмат қилиш намунаси бўлганлиги туфайли маданиятда сезиларли из қолдирганлар.

П.В.Алексеев, А.В.Панинларнинг таъкидлашларича, “Илмий билиш фаолиятининг фанга хос бўлган меъёрлари ва мақсадлари, шунингдек янги объектларни ўзлаштиришни таъминловчи ўзига хос воситалар ва методларнинг мавжудлиги мутахассис - олимларни изчил

шакллантиришни тақозо этади”. Бу талаб «фаннинг академик тизими» - илмий кадрлар тайёрлашни таъминловчи алоҳида ташкилотлар ва муассасалар пайдо бўлишига олиб келади. Бундай тайёргарлик жараёнида бўлажак тадқиқотчилар нафақат махсус билимлар, илмий иш усуллари балки фаннинг асосий қадриятлари ва омиллари, унинг ахлоқий меъёрлари ва тамойилларини ҳам ўзлаштиришлари лозим.

Шундай қилиб, илмий билиш табиатини аниқлашда фаннинг ўзига хос белгилари тизимини фарқлаш лозим, уларнинг орасида қуйидагилар биринчи ўринда туради:

- объектларнинг ўзгариши қонунларини ўрганишга қараб мўлжал олиш ҳамда бу мўлжални рўёбга чиқарувчи илмий билимнинг моддийлиги ва об'ективлиги;

- фан ишлаб чиқариш моддий тузилмалари ва кундалик тажриба чегараларидан четга чиқиши ҳамда объектларни уларни ишлаб чиқаришда ўзлаштиришнинг бугунги имкониятларидан қатъий назар ўрганиш.

Фанни илмий билиш фаолиятининг бошқа шакллари билан фарқлаш имконини берувчи бошқа муҳим хусусиятларни юқорида зикр этилган белгиларга боғлиқ ва улар билан белгиланувчи хусусиятлар сифатида тавсифлаш мумкин. Илмий билиш нафақат субъектнинг объектга нисбатан, балки ўзига, ўз фаолиятига нисбатан ҳам онгли муносабатини, яъни тадқиқотчилик фаолиятининг шартлари, меъёрлари ва методларини билиши, анъаналарни ҳисобга олиши ва ҳоказоларни назарда тутди. Шунинг учун ҳам К.Ж.Туленова “Илмий билиш ва башоратчиликнинг шакл ва услублари тизимида математик восита ва услублар муҳим ўрин эгаллаган. Улар илмий билишда, гипотезаларни тақдим этишда мантикий тизимлашган маълумотлар миқдорининг воситаси сифатида ишлатилади ёки улар шу ўринда тадқиқ этилаётган объектларда миқдорий қарама-қаршилиқ тусини берувчи изланиш воситасидир” дея таъкидлайди.

Илмий билиш ўзининг шакллари билан ҳам алоҳида ажралиб туради.

Булар жумласига илмий далил, ғоя, муаммо, гипотеза, назария ва бошқаларни киритиш мумкин. Бизга маълумки, илмий билишнинг вазифаси илмий далилнинг юзага келиш сабаби, унинг муҳим хоссаларини, далиллар ўртасидаги қонуний боғланишни аниқлашдан иборат. Чунки янги далилларнинг аниқланиши илмий билиш тараққиёти учун жуда муҳим аҳамиятга эга. Илмий далиллар назарияга нисбатан ҳам икки хил вазифани бажаради, яъни мавжуд назарияга нисбатан илмий далил ё уни мустаҳкамлайди ёки у билан тўқнашади ва унинг асоссизлигини кўрсатади (фальсификация қилади). Бироқ бошқа томондан, назария эмпирик тадқиқот даражасида олинган илмий далиллар йиғиндисини шунчаки умумлаштиришгина эмас. Унинг ўзи янги илмий далиллар олиш манбаига айланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Толстой Л.Н. Воспоминания. – М.: Прогресс, 1991. – С.3.
2. Бурнашев Р.Р. Методологические проблемы изменения идеалов и норм научного познания: Дис. ... канд.филос.наук; Ин-т.философии и права им.И.М.Муминова. - Т, 1997. - 146 с.
3. Саитходжаев Х.Б. Идея в структуре научного познания: Дис. ... канд.фил.наук; ТГПИ им.Низами; №04.94.0001335. - Т., 1994. - 142 с.
4. Алексеев П.В, А.В.Панин. Теория познания и диалектика. – Москва: Высшая школа, 1991. – 383 с.
5. Туленова. К. Ж. Научное предведение как философская проблема и ее методологического значение для практики в условиях независимого Узбекистана.; Афтореф. Дис... д-ра философ. Наук. Т., 2001. С. 24
6. Гносеологические аспекты обоснования в научном познании : Дис. ... д-ра филос. наук. Санкт-Петербург, 2002. - 318 с.
7. Ergashev U. A. Relationship with religion in Uzbekistan //Экономика и социум. – 2020. – №. 5-1. – С. 37-39.

8. Санжарбек Султонбекович Хошимов “Ван Ян Мин Фалсафий Таълимотининг Маънавий-Ахлоқий Ва Гносеологик Қирралари” // Academic research in educational sciences. 2020. №3. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/van-yan-min-falsafiy-talimotining-manaviy-ahlo-iy-va-gnoseologik-irralari>
9. Ergashev U. A., Umurzakov A. M. The Impact Of Environmental Issues On Human Life //Экономика и социум. – 2020. – №. 8. – С. 26-29.
10. А.А.Мадаминов. Влияние СМИ на политическую культуру молодёжи. Вопросы науки и образования. 2018. 7 (19).
https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=3waDc4AAAAJ&citation_for_view=3waDc4AAAAJ:HoB7MX3m0LUC
11. Ахмаджон Махамадович Умурзаков. ДИНИЙ ФАНАТИЗМ ВА ЭЪТИҚОД МАСАЛАЛАРИ //Scientific progress. 2021. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/diniy-fanatizm-va-eti-od-masalalari>